ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Юлдашев Джаҳонгир Хайитович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошшлиғи
Хўжамбердиев Асадбек Отабек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.11260469

Оилани ҳар томонлама ривожлантириш мамлакат тинчлиги ва тараққиётининг гарови экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунёқараши, мақсади ва вазифалари бутунлай ўзгача бўлган ёшларни тарбиялаш, уни турли–туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила ободлиги, шубҳасиз, турмушимизнинг фаровон бўлишида муҳим ўрин тутади.

Оила, фарзанд каби тушунчалар жамият асоси ва ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳисобланади. Шу боис халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, эъзозлаб келган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани ривожлантиришга қаратилган қатор ислоҳатлар амалга оширилди.

Оила узоқ давом этадиган тарихий тараққиёт натижасидир, жамият тузилишининг обектив ажралмас қисмидир.

Ижтимоий маънода оила одамларнинг ижтимоий жиҳатдан алоҳида уйишган гуруҳлар, маънавий, хўжалик, маиший ва бошқа турмуш шароитлари ҳамда манфаатлари бир хил бўлган шахслар иттифоқидир.

Оила энг муҳим ижтимоий вазифаларни: инсонни яратиш, болаларни тарбиялаш, одамларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни маънавий бирлаштириш билан биргаликда хўжалик юритишни таъминлаш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тарақиётини таъминлаш, демографик жараёнларни яхшилаш вазифаларни бажаради.

Айни оилада инсон ҳарактерининг асослари меҳнатга маънавий ва маданий бойликларга муносабат шаклидир.

“Жаннат райхони “деб таърифланган фарзанд ҳам камол топади. Шу боис ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади, баркомол инсон бўлишини ният қилиб тарбиялайди. Кўзланган мақсад эса фарзанди аржумандларнинг бахти, эртанги кунинг порлоқ бўлишидир.

Зеро, тарбия масаласи азалдан ҳар замон ва маконда ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади.

Оиланинг муҳим вазифаси ота-боболаримизнинг энг яхши удум ва анъаналарини давом эттириш, ўгитларга амала қилиб, ёш, соғлом авлодни тарбиялаб камолат топтириш, турмушни мазмунли ўтказиб, уни гўзаллаштириш билан жамиятни мустаҳкамлашдан иборат.

Бизга маълумки, мустақилликка эришгач ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар тизимли, босқичма босқич амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар натижасида жамиятда оила институтининг ўрни ва нуфузини юксалтириш ҳамда шахснинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.[1]

Оила мустаҳкамлиги биринчи навбатда оила муҳитига боғлик. Оила муҳити асосини биринчи навбатда оиланинг ядроси бўлмиш эр-хотин муносабатлари ташкил этади. Шарқ мутафаккирларининг бизларга қолдирган бой илмий-маданий меросларида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, ундаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги маданият, айниқса, эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги инсон тарбиясида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган фикр мулоҳазалар, таълимотлар мавжуд.

Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятни шакиллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Агар оила аъзолари иноқ бўлса, бир – бирини тушунса, ҳурмат қилса, ушбу оиладан баркомол инсонлар этишиб чиқади. Ҳар қандай жамиятда, миллатда, оилада, ота-онага, болаларга бўлган ҳурмат, урф - одатлар, миллий қадрият ва анъаналар мавжуд бўлса, шу ерда жиноятчилик даражаси ҳар доим паст кўрсаткичда бўлган.

Маълумки, оилада содир этиладиган жиноятчилик доирасидаги муаммолар ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бу борадаги

[1] Ўзбекситон Республикаси Конституцияси -Т 2023

муаммоларни ўрганиш айниқса бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар уларнинг мураккаблиги, содир этилиши усуллари, вақти, турли-туманлиги, кенг ёйилганлиги, шахсга қаратилганлиги билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Оила-турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг ўзига хослиги улар асосан оилада, оила аъзоларнинг орасида содир этилишидир. Ўз муоммоларини ҳал қилиш учун зўровонлик воситаларидан фойдаланилади. Бу ҳолат кундалик оила-турмуш муносабатлари доирасида турлича тажовузкор хулқ-атворлар намаён бўлиб, оддий баданга шикаст этказишдан, то қасддан одам ўлдиришгача олиб келади.

Маълумки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги муоммолар ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туради. Бу борадаги муоммоларни ўрганиш бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади.

Оилада содир этиладиган жиноятчиликни тушунчасини англашимиздан олдин биз оила ва оила-турмуш муносабатлари тушунчаларини англашимиз лозим.

Изоҳли луғатда “ОИЛА” (бола - чақа, хонадон, уруғ, авлод) сўзи оддийгина “ер-хотин”, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи “хонадон” деб та’рифланади.

Оила-турмуш муносабатлари – бу эр-хотин, ота-она ва фарзанд, келин-куёв ва қайнота-қайнона қайноғ-қайнсингил, бобо-буви ва набира, ака-ука ва опа-сингил, фарзандликка олган ва фарзандликка олинган, қўни-қўшни ва шунга ўхшаш қариндош – уруғлар ўртасида муносабатлар - аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ва бошқа шу каби ижтимоий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий (ижтимоий) муносабатлардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оила-турмуш муносабатлари ўзининг ма’лум бир доирасига эга, бу доирада аввало, никоҳ. Қони-қариндошлик ёки ма’лум бир сабабларга кўра бир-бирлари билан бўланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши билан белгиланади. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлардан жабрланган шахсни тадқиқ этишда оиладаги зўровонликнинг ижтимоий хавфини ҳам инобатга олиш лозим, чунки

бунинг натижасида шасхга қарши қаратилган оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилади.

Шахсга қарши жиноятларнинг 60% оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлар натижасида нафақат муайян шахс жабрланади, балки у билан биргаликда унинг оила аъзоларига, улар ўртасида ижтимоий ҳуқуқий муносабатларга ҳам зарар эткизалади. Мазкур жиноятларнинг жабрланувчиси жиноятчи шахснинг эри ёки хотини, фарзанди ёки ота-онаси ёхуд яқин кишилари бўлмиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай жинояталар оқибатида бутун бир оила йўқ бўлиб кетади ёки оила аъзолари ўртасида муносабатлар шундай даражада бузиладики, уни ҳеч қачон аввалги соғлом ҳаётига қайтариб бўлмайди.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятларнинг кўпчилиги жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмайди. Мисол учун, тўсатдан юзага келган хавфни бартараф этишда жабрланувчининг ожиз аҳволида эканлиги унинг жабрланувчи бўлишига шароит яратади. Бу ҳолат жиноят содир этилишига кўмаклашувчи вазифани ўтайди. Кўмаклашиш деганда – жиноят содир этилишига ёрдам берадиган вазиятни (ёрдам берадиган шарт шароитлардан бирини вужудга келтириш тушинилади.

Оила турмуш даражасидаги содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда қўл келадиган атамалар:

“хотин қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлиларнинг профилактикаси - хотин - қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек улар томонидан содир этилиш сабалари ва уларга имкон берган шарт -шароитларни бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ҳуқубузарликдан жабрланган хотин-қизлар - жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар этказиладиган оқибатида ҳуқуқбузарликлардан жабрланган хотин-қизлар;

оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик - оила аъзолари шажаралари бўйича бир- бирига қариндош бўлган шахслар ўртасида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбуарликлар;

нотинч оила - оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилган, оила-турмуш муносабатлари доирасида низоли масалар мавжуд бўлган ёхуд суринкали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтоло бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахслар яшайдиган оилалар".[2]

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оила-турмуш муносабатлари ўзининг маълум бир доирасига эга, бу доира аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ришталар ёки мўлум бир сабабларга кўра бир-бирлари билан боғланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши.

Оилада содир этиладиган жиноятчилик доирасини қуйидаги эълементларга бўлиб ўрганамиз:

1.Оилада содир этиладиган жиноятларни турлари;

2.Оилада содир этиладиган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари;

3.Профилактика инспекторлари оилада содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятида амалга оширишидаги асосий вазифалари.

1. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра – жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга бўлинади:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқороларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушинилади. (МЖТКнинг 10-моддаси)[3]

Жиноят – бу Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. (ЖК нинг 14-модаси)[4]

---

[2] Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик. / Б.А.Матлюбов, А.С. Турсунов, С.Б. Хўжақулов ва бошқалар-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020-294 б.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.

Демак, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлар Жиноят кодексининг белгиланган моддаларида ўз аксини топган. Булар;

Шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар:

– қасддан одам ўлдириш (97-м)
– кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98-м)
– онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-м)
– ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-м)

Шахснинг соғлиғига қарши жиноятлар:

– қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м)
– қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-м)
– кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-м)
– қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-м)
– қийнаш (110-м)

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар:

– ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-м)
– таносил ёки оив касаллиги/оитсни тарқатиш (113-м)
– жиноий равишда ҳомила тушириш (114-м)
– аёлни ўз ҳомиласини суний равишда туширишга мажбурлаш (115-м)

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар:

– номусга тегиш (118-м)
– жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш(119м)
– бесоқолбозлик (120-м)
– аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-м)

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар:

– вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-м)
– ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-м)
– фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-м)
– никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (1251-м)
– кўп хотинли бўлиш (126-м)
– вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127м)
– ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-м)

Шахснинг озодлиги, шаўни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар:

– одам савдоси (135-м)

– аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-м)
– зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138м)
– туҳмат (139-м)
– ҳақорат қилиш (140-м)

Амалиётдаги тадқиқотлар оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятларнинг 9,2 фоиз қасддан одам ўлдириш, 3,7 фоиз ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, 21,7 фоизи қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 24,3 фоиз фоизи қасддан баданга енгил шикаст етказиш, 16,5 фоиз фоизи қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, 3,1 фоиз қийнаш, 1,0 фоиз ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, 7,8 фоиз номусга тегиш, 10,4 фоиз ҳақорат қилиш 2,3 фоиз бошқа турлари эканлигини кўрсатмоқда.

2. Оилада содир этилган жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари субъектив ва объектив омиллар орқали аниқланади.

Омил бу – ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг муайян вазият ёки ҳолат таъсири остида шаклланиши ва ўзгариши натижасида оқибат келиб чиқишини таъминловчи восита вазифасини бажаради:

– оилада содир этиладиган жиноятчиликни сабаб ва шароитлари субъектив омиллар – бу шахс онги билан боғлиқ бўлган жараёнлар булар, унинг қизиқиши, дунёқараши, маълумоти, руҳий ҳолати, тамперамента, биофизиалогик ҳусусиятлари:

– оилада содир этиладиган жиноятчиликни сабаб ва шароитлари объектив омиллар – бу шахс билан боғлиқ бўлмаганлари, булар оилавий муҳит, оиланинг ижтимоий аҳволи, оиланинг муносабати.

3. Профилактика инспекторлари оилада содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятида амалга оширишидаги асосий вазифалари.

Оилада содир этиладиган жиноятчиликка сабаб бўлувчи жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятлари оила-турмуш муносабатлари доирасида иштирок этувчиларнинг ёши, жинси, оиладаги мавқейи, тажовузкорлиги, руҳий ҳолати, алкоголни суиистемол қилувчи, гиёҳвандлик воситаларини истеўмол қилувчи, психотроп моддаларни истеўмол қилувчи, ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи, токсикоманлиги, муқаддам судланганлиги, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуланишни истамаслиги,

лоқайдлиги, қуморбозлиги, хотинбозлиги, енгил табиятлиги, агрессив хулқ-атворли ва ҳ.к. сифатида эътироф этишимиз мукин. Бундан ташқари жиноятчи, маъмурий ҳуқуқбузар ва жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларини менсимайдиган шахсларга ҳам ажратиш мумкин.

Оилада содир этиладиган жиноятчиликнинг мотивини ўрганиб, бу ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин, бу гуруҳларнинг ҳар бирида мотивининг пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

биринчи гуруҳга, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланган ва тўғри йўлга кирмаганларнинг шахсий хусусиятларидир. Улардаги агрессивлик, кўпинча оила аъзолари, қариндош-уруғлари, яқинларига қарши қаратилган бўлади;

иккинчи гуруҳга, “носоғлом оила” аъзолари ҳисобланган шахслар киради. Бу гуруҳга мансуб шахслар оиладаги низоларни қонунга хилоф аёллар билан ҳал қилишга ҳаракат қилади;

учинчи гуруҳга, жиноят содир этгунча салбий хусусиятлари кўринмаган, жиноятни эса шахсий ҳаётдаги мураккаб ҳолатлар, фожеали ёки чалкашган вазиятлар натижасида содир этган шахслар киради, рашк ёки бошқа тушунмовчиликлар;

тўртинчи гуруҳга, руҳий чекланишларга гирифтор бўлган шахслар киради. Бу гуруҳга кирувчи шахслар арзимаган нарсага тез жаҳли чиқади, кўпинча ўзи жанжал чиқарадиган ва уни ўзи ҳал қилишга интиладиган ижтимоий хавфли шахсдир.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, оилада маст ҳолатда жиноят содир этганларнинг 22,5 фоизи қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 31,5 фоизи қасддан баданга ўртача шикаст етказиш, 46,0 фоизи қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 23,3 фоизи эса безорилик содир этишган.

Оила турмуш муносабатлари доирасида жиноят содир этган шахсларнинг 10,1 фоизини 18-25 ёшдагилар, 38,6 фоизини 25-35 ёшдагилар, 26,8 фоизини 35-45 ёшдагилар, 15,5 фоизини 45-55 ёшдагилар ҳамда 9,2 фоизини 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этмоқда. Мазкур таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилада жиноят содир этишда 25-45 ёшдагилар (64,4 фоиз) фаоллиги юқори.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига кўра қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилишнинг 22,0 фоизи,

қасддан баданга ўрта ёки оғир шикаст етказишнинг 19,2 фоизи, низолар оқибатида ётоқхона ва хонадонларда содир этилган безориликнинг 32,6 фоизи маст ҳолатда содир этилган.

Оилада содир этиладиган жиноятчилик куч ишлатиш орқали оила аъзоларини қасддан калтаклаш, хўрлаш, ҳақорат ёки туҳмат қилиш ҳамда унинг руҳий саломатлигининг бузулиши ва қадр-қимматига зарар етказилишида намоён бўлади. Халқаро статистик маълумотларга кўра, йилига 10 миллионга яқин болалар ўз уйларида содир этилган жиноятларнинг гувоҳи бўлишмоқда. Бундай ҳолатлар оилада болаларни тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бундан ташқари шуни унутмаслик лозимки, инсон ҳулқ-атворининг шаклланиши, кўп жиҳатдан оиладаги муҳит таъсирига боғлиқ бўлиб, оиладаги болаларнинг катталарга тақлид қилиши асосида ривожланиб боради. Шуни унутмаслик керакки, оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик мувафақиятли бўлади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноий зўравонликлар қуйидаги кўринишида содир этилмоқда, булар:

Жисмоний зўравонлик – оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан унинг ҳаёти, соғлиғига ёки баданининг турли жойларига шикаст етказиш каби ҳатти-ҳаракатларни содир этиш. Бундай қилмиш шахснинг ўлимига, жисмоний ёки руҳий ҳолатининг бузулишига олиб келади ва унга жисмоний оғриқ етказади. Булар, шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш, жисмоний зарб билан итариб юбориш, турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш, қурол билан хавф солиш ёки яралаш, уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик, кечаси ухлашга қўймаслик.

Руҳий зўравонлик – бунда қасддан оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш орқали унинг рухиятига таъсир кўрсатиш, ҳис туйғуларини сўндирувчи сўзлар ва ҳаракатлар қилиш, қўрқитиш ва ҳақоратлаш билан соғлиғига ҳамда руҳиятига шикаст етказишда намоён бўлади. Булар, ҳиссиёт ва ҳис туйғуларни тан олмаслик; фикрлари устидан кулади; жазо чораси сифатида аёл ҳиссиётларига эътибор бермаслик; аёл билан оммавий

жойларга чиқишдан бош тортиш; қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш; уйдан кетишини айтиб қўрқитиш.[5]

Жинсий зўравонлик – оиланинг бир аъзоси томонидан иккинчи бир аъзосини шаъни, қадр-қиммати ва жинсий эркинлигига қаратилган бўлиб, бунда жинсий алоқага қилишга мажбурлайдиган ҳатти-ҳаракатлар қилиш орқали дўқ-пўписа қилиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўркитиб шахснинг жинсий дахслсизлиги ва озодлигига тажовуз қилиш билан ифодаланади.

Профилактика инспекторлари оилада содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олишда ва уларни содир бўлишига олиб келадиган қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратишлари керак:

1) умумий ижтимоий омиллар - ичкиликбозлик, ўз оилавий бурчини бажармаслик, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш, оилавий ишончсизлик, яшаш шароитининг талабга жавоб бермаслиги, моддий етишмовчилик.

2) махсус омиллар - шахснинг салбий хусусиятлари, жабрланувчининг салбий хусусиятлари, оилавий муносабатларда қариндошларнинг кераксиз аралашуви.

Оилада эркакларнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилиши – яъни, оилада аёлни ўзига қарам бўлиши учун унга салбий муносабатда бўлиш ҳамда оиладаги барча масалалар бўйича оиланинг бошқа аъзолари фикрини рад этган ҳолда ўзи якка ҳолда қарор қабул қилиши ва ҳал этиши ва ҳоказо.

Баъзи тадқиқотларда оила турмуш муносабатлари доирасидаги хуқуқбузарликларнинг асл мотивларини тўғри аниқлаш учун нафақат жиноятчи шахси билан, балки жабрланувчи ҳамда улар муносабатлар тўғрисидаги ҳам тўлиқ маълумотларга эга бўлиш зарур деб кўрсатилган. Жабрланувчи шахсини ва унинг билан жиноят содир этган шахс ўртасида муносабатларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш оила турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг виктимологик жиҳатларини ёритиб беришга хизмат қилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилга нисбатан 2022 йилда охирги олти йилда ушбу турдаги жиноятлар ўртача йилига 628 тадан содир этилган. Мазкур жиноятлар ҳудудлар кесимида ўрганилганида, 2021 йилга нисбатан 2022 йилда Наманган вилоятида 500%га, Хоразм ва

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ги ПҚ-2833-сон Қарори.

Сирдарё вилоятларида 200%га, Бухоро вилоятида 100%га, Қашқадарё вилоятида 14,2%га, Самарқанд вилоятида 10%га ошган.

Ушбу юқоридаги оила турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг жабрланувчиларининг ҳулқ-атвори ва уларнинг криминологик хусусиятларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг 47,1 фоизи жиноят содир этилиш вақтида маст ҳолатда бўлган, 31,4 фоизи салбий-ҳулқ атворга эга, 21,5 фоизи жиноят содир этишдан олдин ўзига нисбатан зўравонликни амалга оширган муқаддам судланган шахслар билан бевосита биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишган.

Мастлик ҳолати инсоннинг қаршилигини камайтиради ва шу туфайли тажовуз содир этилиши осонлашади. Бундай шахслар осонгина тасодифий ва шубҳали шерикларга айланиб, тортишув ва уруш-жанжал ташаббускорлари бўладилар. Алкоголдан маст бўлишда инсон руҳияти ғоят таъсирланади, у қўзғалиш жараёнини рағбатлантиради ва инсонни қўзғалувчан ҳолатга келтириб қўяди, унда тажовузкорлик жинсий инстинктни қўзғатади, тормозланиш жараёнининг заифлашганлиги туфайли ўзини бошқариш қийинлашади. Қўзғалувчан позиция доимий равишда криминоген омил ҳисобланади. Алкогол истеъмол қилиш инсоний муносабатни соддалаштиради ва турли шахсларнинг (жумладан, жабрланувчиларнинг) хулқ-атвори орқали ўткир зиддиятлар оқимига таъсир кўрсатади ёки зўравонлик билан тажовузкорлик содир этишни осонлаштиради. Айниқса, ушбу алкоголли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар, жабрланувчининг содир бўлаётган ҳаракатларни англаш қобилиятини йўқотиш ҳолатига олиб келадиган воситалар жиноят содир этиш воситалари бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекситон Республикаси Конституцияси -Т 2023
2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик. / Б.А.Матлюбов, А.С. Турсунов, С.Б. Хўжақулов ва бошқалар-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020-294 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ги ПҚ-2833-сон Қарори.